Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2021 йил
16 февраль
сешанба
№ 22
(4462)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Фарғона вилояти

Касаба уюшма кўмагида

БЕШАРИҚҚА КЎРК БЕРГАН КОРХОНА

Бешариқ туманида хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ажратган 1 миллиард сўм маблағ эвазига «KORK» тикувчилик фабрикаси ишга тушди.

Бунинг учун «Sherwood Design» корхонаси раҳбари Шерзод Эркаев хориждан 84 та замонавий тикув машинаси, дазмол, тикув дастгоҳлари олиб келди. Бугун мазкур тикувчилик цехида «Аёллар дафтари»га киритилган 200 нафар бешариқлик хотин-қиз ўз фаолиятини бошлади.

– Фабрикамиз катталар ва болалар кийим-кечаги тикишга мўлжалланган, – дейди корхона иш юритувчиси Фурқат Турсунов. – Маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинади. Иш икки навбатда ташкил этилган, ишчи-ходимлар учун барча шароитлар яратилган.

Бешариқ тумани «Ворух-Дашт» МФЙ ҳудудида эса Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан «Адиробод ғунчалари» ишлаб чиқариш кооперацияси ташкил этилди. Бу ерда «Аёллар дафтари»га киритилган 100 нафар хотин-қизга 20 сотихдан майдон ажратиб берилди.

Сув муаммоси сабаб анча йиллардан буён фойдаланилмаётган ерни обод қилиш учун анча тер тўкишга тўғри келди. Майдон текисланиб, шудгор қилинди. Қудуқ қазилиб, сув чиқарилди. Қурилган замонавий шийпонда аёллар хонаси, дам олиш хонаси, кутубхона, ошхона, ювиниш хоналарининг мавжудлиги кооперация аъзолари учун яна бир қулайлик бўлди.

Бепул тарқатилган ўрик ва бодом кўчатлари экилиб, қатор оралари дуккакли экинлар экиш учун тайёр ҳолга келтирилди.

– Шу кунгача кунлик ишларга чиқиб, рўзғор тебратардим. Аёл бошим билан, ҳатто, Жиззах, Тошкент вилоятларига бориб ишлаб келишга тўғри келарди, – дейди туманнинг «Янгиқўрғон» маҳалласида яшовчи Солияхон Ибрагимова. – Оиламиздаги ҳолатдан яхши хабардор бўлган касаба уюшма вакиллари менга ҳам 20 сотих ер ажратиб беришга қарор қилишди. Бодом ва ўрик экдик. Қатор ораларига эса дуккакли экинлар экаман. Бу эса оиламизга яхшигина даромад келтиради.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»

Хайрия

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар онкология марказида хайрия тадбири ўтказди.

ЎКСИК КЎНГИЛЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ...

– Мамлакатимизда бир йилда 700 минг нафарга яқин бола туғилса, улар орасида 600-800 нафарида хавфли ўсмалар учрайди, – дейди Тошкент шаҳар онкология марказининг болалар онкохирурги, тиббиёт фанлари номзоди Ҳикмат Жуманиёзов. – Дунёда ушбу касалликка қарши кураш анча ривожланган. Бунга, аввало, касаллик билан боғлиқ лаборатор текширувлари ўтказиш учун зарур технология, дори-дармонлар каби омиллар сабаб бўлмоқда. Аммо бизда кўрсаткичлар мақтангулик даражада бўлмаса-да, шу соҳада ишлаётган фидойи шифокорлар қўлларидан келгунча болажонларнинг дарди билан курашиб, уларга шифо улашиб келмоқда.

Хайрия тадбирида марказда даволанаётган 20 нафар болажонга тиббий воситалар, бадиий китоб ва дафтарлар, рангли қаламлардан иборат эсдалик совғалари, шифокорларга эса фахрий ёрлиқлар топширилди.

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон бўйлаб саёҳат

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан пойтахтлик бир гуруҳ фаол маҳалла раисларининг «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шиори доирасида Хоразм вилоятига ташрифи уюштирилди.

– Иш билан овора бўлиб, диққатга сазовор шаҳарларга ташриф буюришга имкон тополмасдик, – дейди «Халқлар дўстлиги» МФЙ раиси Дилором Жўраева. – Тўрт кунлик маданий ҳордиқ чиқариш чоғида мароқли дам олдик. Бундай тадбирларга бош-қош бўлаётган мутасаддиларга раҳмат!

Равшан МАҲАМАДАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси масъул ходими

***

Сўз мулкининг султони

Пойтахт касаба уюшмаларининг тармоқ тизимидаги меҳнат ва ўқув жамоаларида сўз мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Шундай тадбирлардан бири «O'rikzor savdo kompleksi» МЧЖда фаолият олиб бораётган тадбиркор ва ишчи-ходимлар иштирокида бўлиб ўтди.

Ирода ҲИКМАТОВА,
Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Бухоро вилояти

Навоий даҳосига эҳтиром

«Ситораи Моҳи Хоса» санаторийсида Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишлаб бадиий-мусиқий кеча ўтказилди.

– Масканимизда айни пайтда 165 нафар киши дам оляпти, – дейди сиҳатгоҳнинг касаба уюшма қўмитаси раиси Омон Очилов. – Дам олувчиларимиз учун ана шундай маданий кечаларни, китобхонликни оммалаштиришга қаратилган тарғибот тадбирларини тез-тез ташкиллаштирамиз.

Рустам ИБРОҲИМОВ,
«ISHONCH»

Наманган вилояти

Кўтаринки руҳда

Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги кўтаринки руҳ ва кенг миқёсда нишонланди.

Тадбирда Навоий ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи видео ролик ва слайдлар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

«Жонажон Ўзбекистон» бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари ғазал мулкининг султони ижодига мансуб қўшиқлардан куйлашди.

Икромжон СОЛИЕВ,
Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Наманган вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

ДАВЛАТ ДАСТУРИ: Бола ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган устувор чоралар

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўллаган навбатдаги Мурожаатномаси кутилганидек, миллий манфаатларимизга устуворлик бахш этиш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, мухтасар айтганда, инсон ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришга қаратилган кенг кўламли ғоя ва ташаббусларга бой бўлди.

Аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёш авлод вакиллари ташкил этувчи диёримизда кейинги вақтларда ёшларга оид давлат сиёсати изчил ва тизимли равишда давом эттирилаётганини алоҳида эътироф этиш лозим. Хусусан, эртанги кунимиз эгаларининг орзу-умидлари, эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида давлатимиз томонидан барча зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар, имконият ва имтиёзлар яратилиб, бугунги янгиланишлар жараёнида уларнинг ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқишлари учун жиддий эътибор қаратиб келинаётир.

3 ▸

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

1092 – қисқа рақамли «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ – «Call-center»га

меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин. Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда касаба уюшмаси аъзоси бўлишидан қатъи назар, барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади. Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг доимий эътиборида!

Жиззах вилояти

Очиқ мулоқот

СЕНАТОРЛАР аҳоли орасида

Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Нусратулла Пардаев ҳамда Сенат аъзоси Рисқул Сиддиқовлар Дўстлик туманида маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамда жамоатчилик билан учрашди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида кўрилган масалалар, маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва уни қабул қилишдан кўзланган мақсад ва ҳуқуқий муносабатларда юзага келадиган ўзгаришлар ҳақида маълумот берилди. Сенат ялпи мажлисида кўрилган масалалар ва қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳолига етказишда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг, бу масалаларга дахлдор бўлган ташкилот ва муассаса раҳбарлари зиммасига катта масъулият юкланганига эътибор қаратилди.

Тадбир давомида сенаторлар Давлат дастурида белгилаб берилган вазифаларнинг ўз вақтида ижро этилиши юзасидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан маҳаллий кенгаш ҳамда ижро органлари мутасаддиларига тегишли тавсиялар берди.

Куннинг иккинчи ярмида сенаторлар Арнасой тумани «Чўлқувар» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи С.Қувондиқов томонидан Олий Мажлис Сенати раиси Т.Норбоевага йўллаган аризани бевосита маҳаллий кенгаш аъзолари билан биргаликда кўриб чиқдилар.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Хоразм вилояти

Тарғибот

Соғлом ҳаёт учун 5 МИНГ қадам

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти ташкилотлари қатор спорт-соғломлаштириш тадбирларини уюштирмоқда.

Тадбирлар 5000 қадам пиёда юриш билан бошланаётгани бежиз эмас. Мутахассислар фикрига кўра, пиёда юриш юрак-қон томир касалликларининг олдини олишда ёрдам беради, мия фаолиятини яхшилайди, кўриш қобилиятини оширади. Умуман, юриш соғлиқ учун ҳар жиҳатдан фойдали.

Юриш тадбирларидан сўнг спортнинг турли йўналишларида мусобақалар уюштирилмоқда. Бу сафар Боғот, Янгиариқ, Янгибозор туманлари тиббиёт бирлашмалари касаба уюшма қўмиталари томонидан эркаклар ўртасида мини-футбол, Гурланда шахмат ва шашка, Қўшкўпир, Хонқа, Ҳазорасп, Урганч туманларида волейбол, Тупроққалъа ва Шовотда енгил атлетика, вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан футбол мусобақалари ташкил қилинди. Уларда 400 нафардан зиёд касаба уюшма аъзолари иштирок этди. Ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

– Ҳафтада атиги 2,5 соатлик жисмоний фаоллик эрта ўлим ҳолатларини 28 фоизга, юрак касалликларига чалиниш эҳтимолини 20 фоизга камайтириши исботланган, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Рашид Йўлдошев. – Спорт мусобақаларидан сўнг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, жумладан, тўғри овқатланиш, зарарли одатлардан воз кечиш, юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш юзасидан машғулотлар ҳам ўтказяпмиз.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«ISHONCH»

Келгуси сонларда ўқинг...

Жавоб топган саволлар

БЕЛЕУЛИНИ ИЗЛАБ... ёхуд бепоён даштдаги бетакрор эсдаликлар сири нимада?

Хоразм вилояти

Эътироф

ЭНГ НАМУНАЛИ КАСАБА УЮШМА ЕТАКЧИСИ

Зафарбек Худойберганов 2016 йилдан буён Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Ҳазорасп тумани кенгаши раиси сифатида зиммасидаги вазифаларни масъулият билан адо этиб келмоқда. Аъзолар ўртасида катта обрў-эътиборга эгалиги ҳам шундан. Ходимлар касабақўм етакчисидан миннатдор.

Айниқса, Ҳазорасп тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими билан ҳамкорликда амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қиляпти. Аёллар ва ёшлар дафтарини шакллантиришда ҳам фаол иштирок этилмоқда. Бундан ташқари, уюшмаган аҳоли ўртасида қатор маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари уюштирилиб, юртдошларимизнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашга ҳисса қўшилмоқда. Ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг иш унумдорлигини яхшилаш мақсадида мароқли дам олишлари таъминланяпти, санаторийлар ва соғломлаштириш масканларида мазмунли дам олишларига кўмаклашилмоқда.

Мана шу ва бошқа хизматлари эвазига Зафарбек Худойберганов «Обод ва хавфсиз маҳалла» кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичи ғолиблари сафидан жой олди. У вилоятдаги «Энг фаол касаба уюшма етакчиси» дея эътироф этилди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

Муҳокама

Савдогарлар жамоа шартномасидан розими?

Қарши шаҳрида «Вилоятбозорсавдо» уюшмаси жамоа шартномасининг 2020 йилда бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Уни Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси Азамат Нурматов олиб борди.

Дастлаб иш берувчи номидан уюшма раиси ўринбосари Жалол Одиловнинг, сўнгра касаба уюшма қўмитаси раиси Манзура Ҳасановани нинг ҳисоботлари эшитилди.

Таъкидландики, айни пайтда касаба уюшма қўмитасига вилоятдаги 71 та бозор ва уларда меҳнат қилувчи 372 нафар ходим аъзоликка олинган. 2020 йилги карантин чора-тадбирлари тадбиркорларни ҳам синовдан ўтказди. Бозорлар ёпилиб, муайян қийинчиликлар кузатилди. Гарчи фаолияти вақтинча тўхтаб турса-да, кўпгина тадбиркорлар «Саховат ва кўмак» хайрия тадбирларида фаол иштирок этишди.

Афсуски, пандемия туфайли ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, турли спорт мусобақалари ўтказиш ишлари тўла амалга оширилмади, тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилмади.

Шунга қарамай, ҳудудлардаги вакиллар билан биргаликда оилавий шароити оғир хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, савдо соҳасида кўп йиллар самарали фаолият олиб борган фахрийлар ҳолидан хабар олиш ишлари изчил давом эттирилди.

Йиғилиш чоғида «Китоб деҳқон бозори» МЧЖ ходими Муҳсин Раҳмонов, «Қарши савдо мажмуаси» МЧЖ раиси Ирода Эрназарова ва бошқалар ўз таклиф ҳамда мулоҳазаларини билдиришди.

Жумладан, тармоқ меҳнат жамоаларида ишлайдиган ходимлар фарзандларини дам олдириб келаётган Шаҳрисабздаги Ваҳоб Бердиев номи билан аталувчи болалар оромгоҳини капитал таъмирлаш ёки қайтадан қурилиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Самарқанд вилояти

Касаба уюшмалари ва фахрийлар

Самарқанд вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасига кўксини орден ва медаллар безаган, 98 ёшли уруш фахрийси Бектемир Қаршибоевнинг ташрифи катта воқеликка айланди. Ҳассасини дўққиллатганча ходимлар хонасига бир-бир кўз югуртирган отахонга иззат-икром кўрсатилди.

Бектемир бобо мамнун бўлди

Ҳаётнинг паст-у баландини кўрган, не-не чиғириқлардан ўтган нуронийни қай ўй жамоат ташкилотига бошлаб келди экан?

– Ёшинг бир жойга борганда эрмагинг «Ойнаи жаҳон» бўлиб қолар экан, – дейди Бектемир бобо. – Юртимизда бўлаётган ўзгаришлардан юрагим ҳаприқиб кетади. Касаба уюшмалари ишчи гуруҳи хотин-қизлар шароитини яхшилашга қўшаётган ҳиссасидан ҳам бохабарман. Охири чидолмадим, ўзимнинг раҳматимни айтиб қўяй, дея йўлга отландим...

Булунғур туманининг «Катта қишлоқ» МФЙ ҳудудидаги Метан қишлоғида 1924 йилда туғилган Бектемир Қаршибоевнинг болалиги осон кечмади. Ўн ёшида жамоа хўжалигига молбоқар бўлиб ишга олинди. Куни бўйи дала ва зовур бўйларида чорва молларини ўтлатиб келиш унинг зиммасида эди. Қилган меҳнати эвазига кечқурун иккита нон берилар эди. Хонадоннинг боқувчиларидан бири бўлган тўнғич ўғил топиб келадиган шу «даромад» ҳам рўзғорнинг бир томонини кўтариб турди.

Бектемир Қаршибоев 1942 йилда ҳарбий хизматга чақирилади. Тенгқурлари қатори 2 та нонни белбоққа тугиб, туман ҳарбий комисариати вакили бошчилигида Самарқандга йўл олди.

– Юк вагонларида фронтга жўнаган аскарлар орасида бизнинг ҳудудимиздан 40 киши кетганмиз, – дейди Бектемир Қаршибоев, – Уруш – ўз номи билан уруш. Бирга кетган сафдошларимиздан омон қайтган одамларни санашга қўлнинг беш панжаси ҳам ортиб қолади. Умримнинг 7 йили уруш ва ундан кейинги тикланиш йилларида ҳарбий хизматда ўтди.

Булунғурга қайтган Бектемир Қаршибоев ички ишлар тизимига ишга қабул қилинди. Пенсияга чиққунча тизимнинг турли жабҳаларида хизмат қилди. 4 нафар ўғилни тарбиялаб, вояга етказди. Айни чоғда фарзандларининг уч нафари пенсия ёшида.

Айни пайтда Самарқанд шаҳрида умргузаронлик қилиб келаётган отахон билан касаба уюшма вакилларининг мулоқоти қизғин кечди. Соддадил отахон уйда 88 ёшни қаршилаган 70 йиллик вафодори Баҳор ая Тўрақулова кутаётганини айтиб, дуога қўл очди.

– Мулоқот асносида у кишининг бир сирини билиб қолдик, – дейди бирлашма кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов хайр-маъзурдан сўнг. – Отахон уйига бекорга шошилмаётган экан. Қарийб 30 йилдан бери ишлатиб келаётган газ плитаси эскиргани боис, рафиқаси тез-тез қўлини куйдириб олаётган экан. Салкам 90 ёшни қоралаган онахонга касаба уюшмалари томонидан битта замонавий газ плитаси совға қилишни лозим топдик.

Шу куни касаба уюшма вакиллари Бектемир Қаршибоевнинг рафиқаси Баҳор Тўрақуловани шаҳардаги дўконга олиб келишди. Онахон ўзига ҳеч бир муаммо туғдирмайдиган газ плитасини танлади.

Гувиллаб ёнаётган «зангори олов»га ўйчан қараб қолган онахонни суҳбатга тортамиз.

– Тиниб-тинчимаган чол-да, – дея гинахонлик қилади у. – Шу арзимаган воқеани айтиб, сизларни овора қилибди. Ҳеч нарсадан нолийдиган жойимиз йўқ. Ҳаммаси рисоладагидек...

Зуваласи меҳнат ва синовларда тобланган нуронийларимизга хос кенг феъллик бу. Мўътабар бу зотларга хос хислатдан кўнгиллар жўшиб кетади...

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Навоий вилояти

Муносабат

«ГАЗЕТА ЎҚИМАГАНИМГА ЎЗИМНИ КОЙИДИМ»

Одатда, турли ташвишу баҳоналар сабаб интернетдаги аҳамиятсиз чиқишларга эътибор қаратамиз-у, газета ва китобларга аҳамият бермаймиз. Аслида, мақола ёки бадиий асар инсон ақлини чархлаб, одамга маънавий озуқа беради.

Масалан, «Ishonch» газетасини олайлик. Газетанинг охирги сонларида Аҳмаджон Мелибоевнинг «Ҳаёт сабоқлари», Абдусаид Кўчимовнинг «Сокин момақалдироқ», Исмат Хушевнинг «Бу ўлар дунёда биздан нима қолади?» сарлавҳали мақолаларини мириқиб ўқидим. «Ўзлик илдизларига зарба», «Лойқа кўлмакдан сув ичаётганлар», «Таълим сифати қачон юксалади?», «Иссиқлик излаб», «Унутилган ваъдалар» каби яна кўплаб мақолаларда кўтарилган муаммолар жамиятдаги воқеаларга дахлдорлик туйғусини уйғотди.

Тўғриси, мутолаа асноси ўзимни ўзим койиб ҳам қўйдим. Бугундан бошлаб кўнглимга тугиб қўйдим: энди газетада чоп этилган долзарб мақолаларни уйда набираларимга ҳам ўқиб бераман.

Масалан, «Асаларига қачон етамиз?», «Тил озори», «Афандининг Буалодан фарқи» каби кичик мақолаларни бошқаларга ҳам ўқишни тавсия қилган бўлар эдим. Ахир, интернетда тарқатилаётган тутуриқсиз чиқишларга ёшларимиз кўп эътибор қаратаётгани боис уларнинг дунёқараши салбий томонга ўзгараётганини кўриб турибмиз-ку! Газета эса ана шу бачканаликларга қарши курашувчи маънавий қуроллардан бири ҳисобланади.

Саҳифалардан бирида улуғ табиб Абу Али ибн Синонинг асал ҳақидаги «Асал аъзоларимиздаги суюқлик ўтказувчи томирларни кенгайтириш ва тозалаш хусусиятига эга. Агар сен наҳорда анор, тушликда пиёзли овқат, кечаси ётиш олдидан асал истеъмол қилсанг, қонинг кўз ёшидай тиниқ ва тоза бўлади», тил ҳақидаги «Тил кишини иззатли қилади, киши тили билан бахтли бўлади. Тил арслондир, қара, у сени доим эшикда пойлаб ётади. Эй мағрур уй хўжаси, ҳушёр бўлки, агар тилингга ортиқча эркинлик берсанг, ўйламасдан сўзласанг, у бир кунмас бир кун бошингни ейди...» деган фойдали ва қизиқарли маълумотларни учратдим.

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти ташкилоти таркибида бугунги кунда 100 дан ортиқ бошланғич ташкилот бўлиб, аъзолар сони 8000 нафарга етай деб қолди. Ўтган 2020 йилда бошланғич ташкилотларимиз сони 32тага ва аъзоларимиз сони 4348 нафарга кўпайди. «Зарафшон Голден Груп» масъулияти чекланган жамияти, «Иссиқлик манбаи» давлат унитар корхонаси каби йирик корхоналар сафимизга қабул қилинганлиги шуларга мисол бўла олади. Улар «Ishonch» газетасига обуна бўлиб, касаба уюшмалари ҳаётидаги ўзгаришлар ва янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлиб боришмоқда.

Айтмоқчи бўлган гапим шундай: нашр жамоасига раҳмат!

Т.ЮЛДАШЕВ,
Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Тошкент шаҳри

Турнир

Нефтчилар баҳси

Тошкент шаҳридаги Шахмат академиясида «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти бошқаруви ҳамда бирлашган касаба уюшма қўмитаси тизимдаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимлар ўртасида «Шахмат кунлари» турнири ўтказилди.

Ходимларни соғлом турмуш тарзига янада кенгроқ жалб этиш, жисмоний тарбия кўникмасини шакллантириш ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мусобақада эркаклар ўртасида «Ўзбекнефтгазбурғулаш ишлари» МЧЖ ходими Алишер Ражабов биринчи, «Навоий нефть базаси» МЧЖ ишчиси Дилшод Амонов иккинчи, «Uz-Ror gaz chemical» қўшма корхонаси вакили Алимжон Аметов учинчи ўринни эгаллади.

Аёллар ўртасида эса «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ ходимаси Лайло Ҳасанова биринчи, Шўртан нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаси ишчилари Светлана Ражабова ҳамда Дилором Ихлосова иккинчи ва учинчи ўринларни банд этишди.

Шунингдек, «Uzbekistan GTL» МЧЖ ходими Азамат Қобилов – «Энг яхши эркак ўйинчи», «Шўртангазкимё мажмуаси» МЧЖ ишчиси Хуршида Қўзиева – «Энг яхши аёл ўйинчи», Фарғона нефть ва газ саноати коллежи ходими Неъматхон Каримов – «Фахрий эркак ўйинчи» ҳамда «Ўзбекнефтгаз» АЖ марказий аппарати ходимаси Зоя Саидаҳмедова – «Фахрий аёл ўйинчи» номинацияларида ғолиб деб топилди.

Ғолиб ва совриндорлар «Ўзбекнефтгаз» АЖ бошқаруви ҳамда бирлашган касаба уюшма қўмитасининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

ДАВЛАТ ДАСТУРИ:
Бола ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган устувор чоралар

◂ 2

Мурожаатномада қайд этилганидек, мамлакатимизда бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизим яратилиши кўзлангани, ҳозирги замон талабига мос, ислоҳотлар шиддатига жавоб бера оладиган, ватанпарвар, фидойи ёшларни тарбиялаб вояга етказишда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Шуниси эътиборга моликки, Мурожаатномада ифодаланган «Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади», деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш механизмлари яқинда қабул қилинган **«Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастурининг учинчи – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларида** ўз аксини топган.

Давлат дастурида, энг аввало, Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондини ташкил этиш ҳамда «Болалар Омбудсмани тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш кун тартибига қўйилгани эса, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ёрқин келажак сари ташланган ўта муҳим қадам бўлди.

Кези келганда, кейинги вақтларда мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар янгича мазмун-моҳият касб этган ҳолда юқори суръатларда давом эттирилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хусусан, биринчи навбатда, бола ҳуқуқини таъминлаш соҳасида илғор давлатларнинг тажрибалари ва халқаро амалиёт чуқур таҳлил қилинган ҳолда, миллий қонунчилигимиз замон талаблари билан ҳамоҳанг ҳолда такомиллаштириб борилмоқда.

Мисол учун, 2020 йил 11 март куни «Бола ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан Оила ва Фуқаролик-процессуал кодексларига, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Оила кодексига киритилган қўшимчаларга кўра, оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганида бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга тўла ҳақли экани белгиланди.

ЖОРИЙ ЙИЛГИ ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД БЕЛГИЛАНГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРДАН ҲАМ КЎРИНИБ ТУРИБДИКИ, ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ, ЧИН ЕТИМ, НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ВА ДАВОЛАНИШГА МУҲТОЖ БОЛАЛАРГА АЛОҲИДА МЕҲР-МУРУВВАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА МУТЛАҚО ЯНГИ ТИЗИМ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ.

Бунда қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши керак. Ота-она ва бола алоҳида-алоҳида яшаган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек, ўн тўрт ёшга тўлган бола бир вақтнинг ўзида ота ва онадан вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли экани қатъий кафолатлаб қўйилди.

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартиришларга асосан эса, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, чунончи, ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда, бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига, шунингдек, бошқа давлат органларига мустақил равишда мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундай мурожаатларни бола тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмагани сабабли кўриб чиқмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, Фуқаролик-процессуал кодексига киритилган ўзгартиришларга кўра, вояга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқароларнинг, шу билан бирга, муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар томонидан ҳимоя қилинади. Аммо бу ҳол вояга етмаганларни ва муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларни бундай ишларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилолмайди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ҳозирги вақтда фарзандларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар сифатида вояга етказиш давлат сиёсатининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Мазкур сиёсатнинг самарали амалга оширилишида эса, бола тарбияси, унинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш устувор аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришганидан сўнг биринчи бўлиб имзолаган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунда ҳам ёш авлоднинг муносиб тарбияланиши учун барча қулай шарт-шароитларни яратиш, юртимизнинг келгуси тараққиётида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланишни назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар белгилаб қўйилгани ҳам бежиз эмас.

Президентимизнинг 2019 йил 11 февралдаги «Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 22 апрелдаги «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ўз навбатида, фарзандларимизнинг ҳуқуқ-манфаатларини амалда кафолатлаш, уларнинг жисмоний, интеллектуал, руҳий ва маънавий етук авлод бўлиб етишишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

ОИЛА КОДЕКСИГА КИРИТИЛГАН ҚЎШИМЧАЛАРГА КЎРА, ОИЛАДА БОЛАНИНГ МАНФААТЛАРИГА ТААЛЛУҚЛИ ҲАР ҚАНДАЙ МАСАЛА ҲАЛ ҚИЛИНАЁТГАНИДА, БОЛА ЎЗ ФИКРИНИ ИФОДА ҚИЛИШГА, ШУНИНГДЕК, ҲАР ҚАНДАЙ СУД МУҲОКАМАСИ ЁКИ МАЪМУРИЙ МУҲОКАМА ДАВРИДА СЎЗЛАШГА ТЎЛА ҲАҚЛИ ЭКАНИ БЕЛГИЛАНДИ.

Бу ўринда, айниқса, ногиронлиги бор шахслар, шунингдек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашувини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни алоҳида қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Шу маънода, 2021 йилга мўлжалланган Давлат дастурининг 200-бандида эҳтиёжманд оилаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирининг белгилангани, унга мувофиқ, чин етим ёшларни уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳам назарда тутилгани айни муддаодир. Бу ҳақда Давлат раҳбарининг Мурожаатномасида алоҳида тўхталиниб, жорий йилда биринчи марта бюджетдан 900 нафар чин етим ёшларни уй-жой билан таъминлашга 50 миллиард сўм ажратилиши маълум қилинди.

Ёдингизда бўлса, ўтган 2020 йилда Олий Мажлис Сенати томонидан Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларнинг ҳолати танқидий кўриб чиқилган, айнан Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашувидаги долзарб масалалар юзасидан Ҳукуматга парламент сўрови юборилиб, унинг якунлари Сенат мажлисида атрофлича муҳокама қилинганди.

Мазкур жараёнда 2011-2019 йиллар мобайнида Меҳрибонлик уйлари ҳамда Болалар шаҳарчаларини битириб чиққан 2311 нафар тарбияланувчининг 1019 нафари, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига эса, 569 нафар битирувчи уй-жойга муҳтож экани маълум бўлганди. Шунингдек, бу тоифадаги 447 нафар ёшнинг бандлиги таъминланмагани аниқланган. 2020 йилда маҳаллий ҳокимликлар томонидан атиги 197 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг турар-жой билан таъминлангани бу борадаги муаммолар кўлами нақадар салмоқли эканидан далолат бериб турганди.

Жорий йилги Давлат дастурида болалар ҳуқуқларига оид белгиланган чора-тадбирлардан ҳам кўриниб турибдики, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари, чин етим, ногиронлиги бўлган ва даволанишга муҳтож болаларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатиш бўйича мутлақо янги тизим шакллантирилади.

Бу эзгу мақсадлар рўёби йўлида ташкил этилиши кўзда тутилаётган Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондига бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилиши, «Болалар Омбудсмани тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилиши келажагимиз ворисларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишда долзарб аҳамият касб этади.

Фикримизча, мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда хорижий амалиёт ва халқаро тажрибани атрофлича ўрганиш, таҳлил қилиш ва энг мақбул жиҳатларни лойиҳада акс эттириш фойдадан холи бўлмайди.

Қабул қилиниши режалаштирилаётган мазкур қонун, биринчи навбатда, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ва мамлакатимизда болалар ва ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги бошқа халқаро ҳужжатларнинг қоидалари сўзсиз амалга оширилишига, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини қонуний ҳимоя қилишга, шу жумладан, имконияти чекланган, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тарбия муассасаларини тамомлаганларидан кейин уларнинг ижтимоий мослашувига хизмат қилиши зарур.

Шу билан бирга, мазкур қонунда боланинг шахсига ҳурматни кучайтириш, бола ва унинг тарбиясига нисбатан жамоатчилик онгини юксалтириш, давлат тузилмалари томонидан, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан боланинг шаъни ва қадр-қиммати, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний ҳамда энг устун манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган аниқ нормалар белгиланиши ҳам мақсадга мувофиқ.

Ўйлайманки, келгусида қабул қилинажак «Болалар Омбудсмани тўғрисида»ги қонун мамлакатимизда фарзандларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратишга хизмат қилади.

Албатта, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси масъул ваколатли орган сифатида Давлат дастурида белгиланган юқоридаги каби чора-тадбирлар ижроси таъминланиши устидан парламент ва депутатлик назоратини изчил давом эттириш орқали ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларга муносиб келажак яратиб бериш-дек улуғвор ишларда бундан буён ҳам фаол иштирок этиб бораверади.

Самарқанд вилояти

«Ishonch» газетасининг 2020 йил 7 ноябрдаги сонида Дилором Худойберганованинг «Гўр азоби қачон тугайди?» мақоласини ўқидим. Ўқидим-у, дилимдаги оғриқлар янгиланди – унда бизнинг ҳам муаммолар акс этган эди.

Акс-садо

Ҳокимга «ИНОМАРКА»–Ю, «Тез ёрдам»га «ДАМАС» ҳам бўлаверади(ми?)

Мақолада долзарб мавзу ёритилган. «Тез ёрдам» машиналарининг аҳволи... Тушунишимча, мақолада сўз юритилган «Дамас» автомашинаси янги бўлган. Аксинча, эски бўлгандами? Бемор манзилга етиб бормаслиги ҳам мумкин эди...

Камина ҳам шу масалада Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Олий Мажлисга кўплаб мактублар ёздим. Улар эса қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдириб, мактубни ёпиш билан овора.

Гап шундаки, бизнинг ҚВПдаги «103» хизматига ажратилган «Дамас» русумли автомашинанинг фаолиятига 11 йилдан ошибди. Ҳайдовчиларга раҳмат. Бир амаллаб ҳайдаб юришибди. Аммо «отахон» автомашинани янгилаб бериш ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти.

Вазирлик, маҳаллий ҳокимиятга «тез тиббий ёрдам» хизмати учун минглаб автомашинани янгилаш оғирлик қилади, чоғи. Айниқса, чеккароқ ҳудудларга...

...Шифокорлар 2020 йил қаҳрамони бўлди. Пандемия сабаб карантин эълон қилинган даврда шифокорлар кеча-ю кундуз тиним билмади. Айниқса, УАШ, «Тез ёрдам» бирламчи тизим ҳамширалари жонини жабборга бериб ишлади. Ана шу синов кўрсатдики, «тез тиббий ёрдам» хизмати доимо керак ва шароити бадастур бўлиши зарур.

Фикрим эса қуйидагича: ҳозирги кунда маҳаллий ҳокимиятлар бирламчи тизим шифокорларини тез ёрдам машиналари билан таъминлаши керак. Ҳокимлар 400 миллион сўмлик (иномарка) автомашинада юради. Лекин ҚВПлар оддийгина планшет, компьютер ва шунга ўхшаш нарсалар билан таъминланмайди-ку?!

«Тез ёрдам» тиббий хизматларига эса «Дамас»ларнинг ўрнига талабга жавоб берадиган автомашиналар ажратилиши керак.

Дарвоқе, мақоладаги ҳолат ёритилганига уч ой бўлди. Хўш, унга Соғлиқни сақлаш вазирлиги муносабат билдирдими?..

Менимча, бу ҳам қийин масала бўлса керак. Жамоатчилик фикрини назарга илганида, бу муаммолар аллақачон бартараф этилган бўлар эди....

Иноят АРКАЕВ,
Қўшработ туманидаги
«Қовунчи» ҚВП мудири

Сурхондарё вилояти

Ҳуқуқ

Ўқитувчи нега ишдан бўшатилган эди?

Шеробод тумани «Қуллуқшо» маҳалласида яшовчи Улуғбек Эгамбердиев иш берувчининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, ўз вазифасига ишга тиклашга ёрдам беришни сўраб, «Ишонч» телефонига қилган мурожаати ваколат доирасида ўрганилди.

Аниқланишича, У.Эгамбердиев 2020 йил 3 сентябрдан физика фани ўқитувчиси вазифасига ўриндошлик асосида ишга қабул қилинган. Мактабга асосий иш ўрнидаги физика фани ўқитувчиси Х.Абдулхалидов ишга келгани сабабли У.Эгамбердиев билан меҳнат шартномаси 2020 йил 1 декабрдан бекор қилинади.

Ўрганиш жараёнида иш берувчи ўзининг буйруғида Меҳнат кодексининг моддаларини асос қилмасдан, МКнинг 107-моддаси талабларини бузгани аниқланди.

Меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан иш берувчига Меҳнат Кодексининг 111-112-моддалари талабларига кўра, мактабнинг 2020 йил 1 декабрдаги №13-сонли буйруғини бекор қилиши, У.Эгамбердиевни физика фани ўқитувчиси вазифасига ишга тиклаб, мажбурий бекор юрган кунлари учун ойлик иш ҳақларини тўлаб бериш ҳақида кўрсатма берилди.

Иш берувчи кўрсатмани қаноатлантирди. 2021 йил 22 январдаги №14-сонли буйруққа кўра, У.Эгамбердиев билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ бекор қилиниб, у физика фани ўқитувчиси вазифасига ишга тикланди. Мажбурий бекор юрган кунлари учун ойлик иш ҳақларини тўлаб бериш вазифаси марказлашган бухгалтерия ҳисобига юклатилди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Меҳнат инспекциясининг Сурхондарё вилояти
бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

Иш вақтидаги биргина хато аянчли бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис, иш берувчидан ҳам, ходимдан ҳам меҳнат хавфсизлигига роия этилишини таъминлаш талаб этилади.

Қашқадарё вилояти

Касаба уюшмаси аралашгач

93 МИЛЛИОН СЎМ ундириб берилди

Миришкор тумани Халқ таълими бўлимининг махсус эксплуатация таъмирлаш хизматлари бўлими пайвандчиси Ихтиёр Аширов ХТБ биносининг том қисмида таъмирлаш ишлари пайтида томдан йиқилиб, оғир тан жароҳати олди ва вафот этди.

Бу ўринда иш берувчи қонунан марҳумнинг оила аъзоларига бир йўла бериладиган нафақа пулини тўлаб бериши керак эди. Аммо иш берувчи тўлашдан бўйин товлаб анча вақтгача сарсон қилди.

Касаба уюшмасининг аралашуви билан Ихтиёр Ашировнинг оила аъзоларига берилиши керак бўлган 93 524 565 сўм миқдоридаги нафақа Миришкор тумани Халқ таълими бўлимидан тўлиқ ундириб берилди. Марҳумнинг фарзанди Диёрбек Аширов эса туман халқ таълими бўлимига ишга қабул қилинди.

Яккабоғлик Феруза Баҳромова ҳам Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига мурожаат қилиб, туман дезинфекция станциясида дезинфектор бўлиб ишлагани, иш жараёнида касб касаллигига чалингани ҳамда ташкилот 2005 йилдан буён ойма-ой зарар тўловларини тўламагани боис ёрдам сўраган.

Вазият ўрганилиб, Феруза Баҳромовага 26 636 239 сўм миқдорида зарар тўлови ҳисобланди ҳамда мазкур маблағ касаба уюшмалари ва Мажбурий ижро бюроси Яккабоғ тумани бўлими ҳамкорлигида тўлиқ ундириб берилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ўтган йили иш вақтидаги бахтсиз ҳодиса натижасида жабрланган ўттиздан зиёд ходим бирлашма мутахассисларидан ҳуқуқий маслаҳатлар олди.

Ойбек ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Қашқадарё вилояти касаба
уюшма ташкилотлари
бирлашмаси мутахассиси

Орамиздаги одамлар

Ўзбек тилига, энг аввало, ўзида юксак ҳурматни шакллантира олган, уни ўрганиб, амалда бу тилдан фойдаланиб келаётган қаҳрамонларимиздан бири Мария Олеговнадир.

АТЛАС КИЙГАН МАРИЯ

Олмалиқ шаҳридаги Кончилик касб-ҳунар коллежини муваффақиятли тамомлаб, ўз фаолиятини саноат темирйўл транспорти бошқармасида чилангарликдан бошлаган Мария Николаева биз билан ўзбек тилида суҳбатлашар экан, келин саломида атлас ва адрас либосларида тушган суратларини кўрсатди. Ахир Мария ўзбек милларатига мансуб йигит билан оила қурган эди-да! Бу оилада қайнона-келин анъаналари, удумларимиз жуда яхши йўлга қўйилганини Мариянинг оиласи билан тушган расмларидан ҳам кўриш мумкин эди.

– Қизчамнинг исми Азиза, – дейди Мария. – У 1,5 ёшда, илк айтган сўзи «дада» бўлди. Баъзан русларнинг ўзбекчани яхши билиши атрофдагиларда қизиқиш ва ажабланиш ҳиссини уйғотади. Бир гандболчи рус дугонам бор. Унинг бўйи биру тўқсондан ошади. У билан жамоат жойларида кетаётсак, кўпчилик унинг бўйбастига ишора қилиб, шундай дейди: войбўў, нақ икки метр-а!!!

Бу лукмаларни ташлаганлар бизни ўзбек тилини билмайди, деб ўйлаши тайин. Дугонамнинг бўйини гапирганларга қарата «Нима бўпти бўйига?!» десам, улар менинг эътирозимдан ҳам кўра ўзбекчани билишимга ажабланиб қолишади...

Айни дамда Саноат темир йўл транспорти бошқармасида турли миллат вакиллари меҳнат қилаётир. Мамлакатимиз, шу жумладан, комбинат равнақи йўлида ҳамжиҳат, ҳаммаслак ва ҳамфикрликда ўзларининг камтарона ҳиссаларини қўшаётган бу инсонларни бир оила вакилларига қиёслаш мумкин. Она тилимизга чинакам эҳтиром, ҳурмат ва эътибор қаратиб келинаётгани эса бизда алоҳида фахр ҳиссини уйғотади.

Дилафруз ЭГАМБЕРДИЕВА,
журналист

Мулоҳаза!

Навоий кучсиз бўлмаган

Бир вақтлар Уйғун ва Иззат Султон муаллифлигида яратилган «Алишер Навоий» пьесаси ҳалигача саҳна ижодкорлари учун классикалигича қолмоқда. Ҳали-ҳануз тарихий шахсларга ёндашувда, қаҳрамонлар ўртасидаги зиддиятларни очишда режиссёр ва актёрлар маҳоратида янгича талқин, жиддий ўзгариш кузатилмаяпти. Минг афсуски, ушбу ҳол Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси томонидан саҳнага олиб чиқилган ҳозирги давр талқинида ҳам кузатилди.

Таъкидлаш керакки, бу гал ҳам ролларга актёрлар тўғри танланган. Бу уларнинг роль моҳиятини психологик жиҳатдан оча олганида, эркин ҳаракатларида кўриниб турибди. Диалоглар, ҳаракатлар, сюжетлар бир-бирига равон боғланган. Хуллас, 80 нафардан ортиқ актёр иштирокида икки пардали улкан «полотно» яратилган. Спектаклда халқимизнинг севимли санъаткорлари – Беҳзод Муҳаммадкаримов (Алишер Навоий ролида), Дилноза Кубаева (Гули), Теша Мўминов (Ҳусайн Бойқаро), Муҳаммадали Абдуқундузов (Мажидиддин), Рихситилла Абдуллаев (Мансур) ўзига хос роллар яратишган. Театрнинг бутун жамоаси жуда катта меҳнат, ижодий ишни амалга оширган.

Албатта, биринчи томошадаги илк таассурот ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди. Шундай бўлса-да, айрим фикр-мулоҳазаларни баён этишни жоиз деб билдик. Мақсад – спектаклнинг кейинги сеанслари янада мукаммал чиқиб, томошабинларга манзур бўлсин.

Маълумки, Дилноза Кубаева театр ва кинода ижро этган роллари орқали аллақачон халқимизнинг севимли актрисасига айланиб улгурган. Ушбу саҳна асарида Гули ролини ижро этган актриса қаҳрамоннинг шодлигини жуда ишончли ўйнаган, аммо фожиавий ҳолатларини ижро этишда қийналаётгандек, табиийлик етишмаётгандек таассурот уйғотди. Ўйлаймизки, кейинги спектаклларда трагик кечинмаларни эркин, дадил ижро этади. Чунки унда ижодий салоҳият етарли.

Афсуски, спектаклда асосан европача оҳанг ва мусиқалардан фойдаланилган.

Спектакль ечими трагедия жанрида ҳал қилинган. Буни бош қаҳрамон бошига кетма-кет фожиа-ташвишлар тушганидан ҳам билиш мумкин. Навоий тилидан «Азизим дунёга бевақт келибмиз» калимаси спектакль давомида 3-4 марта айтилади. Энг қизиғи, бу жумла спектакль охирида Навоий саҳна марказида турган ҳолатда яна қайтарилади.

Гап шундаки, Навоий биз учун фақат буюк шоиргина эмас, ижтимоий-ахлоқий идеал ҳамдир. Унинг иродаси, мислсиз маънавий, ижодий, инсоний жасоратлари барча даврларда халқимизга маёқ бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай. Шунинг учун буюк мутафаккир, халқимиз идеали бўлган инсон ҳақидаги спектаклни бундай тушкун, пессимистик руҳда якунламаслик керак. Аксинча, у спектакль давомида қанчалик машаққатларга, ноҳақликларга учрамасин, алалоқибат унинг ҳаракат ва хулосаларидан ҳаётбахш руҳ, эртанги кунга ишонч уфуриб турсин.

Лазизжон БАХРАНОВ,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори, санъатшунос

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темур МАМАЖОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),
Меҳриддин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
Ж. Наҳанов

Мусаҳҳиҳлар:
С. Шодиева,
З. Холмуҳаммедова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **21:00**
Топширилди – **21:00**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Г – 206.** **30621** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Қорақалпоғистон Республикаси

Спорт

Айкидода қоида шундай: табиат қонуни бузилмаса, ғалаба қозонасан, агар бузилса, мағлуб бўласан. Сувни тескари томонга оқизишга ҳаракат қилишимиз мумкин. Лекин, бунинг учун кўп куч ишлатишга тўғри келади. Ақл билан оқим кучини аниқлаб, уни ўзингизга керак томонга йўналтирган маъқул эмасми?

Айкидо ёш танламайди

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида юзлаб ёшлар ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Илк бор 2004 йил спорт тури Женис Сайипназаров ва Баҳодир Атаниёзовлар томонидан рўйхатдан ўтказилганида, у билан шуғулланишга қизиқувчилар бўлмагани ҳам бор гап. Аммо шунга қарамай, жонкуяр тренерлар айкидо тарихига оид китобларни ўқиб-ўрганиб, тажрибаларини оширишга астойдил бел боғлашди. 2006 йилга келиб жиддий тарғибот ва ташвиқотлар бошланди. Айкидо Федерацияси раҳбари Рустам Айбергановнинг ҳаракатлари, айниқса, самарали кечди.

Айни пайтда айкидо спорт тури билан Қорақалпоғистонда 400 нафардан ортиқ одам шуғулланаётган бўлса, уларнинг 150 нафарга яқинини аёл-қизлар ташкил этади. Спортчиларга яратилган шароит тобора яхшиланмоқда. Шуғулланиш учун зарур тўшаклар қайтадан таъмирланиб, Қўнғирот брезент заводининг янги брезентлари билан қопланди. Бундан ташқари, бошқа асбоб-ускуна ва мосламалар ҳам келтирилган. Ёшлар, нуронийлар ва аёллар гуруҳлари учун зарур барча шароитлар бор. Спортчиларнинг маҳорати ва амалларни ўзлаштиришини баҳолаш мақсадида йилига икки маротаба аттестация ўтказиб турилади.

Айкидонинг ўзгачалиги шундаки, унда «ғалабага эришдим» ёки «мағлуб бўлдим» деган тушунчанинг ўзи йўқ. Бу спорт турида кубок эгаси бўлиш, медаль олиш ва совринли ўринни эгаллаб, чемпион бўлиш мақсадида мусобақа ўтказилмайди. Балки спортчи машқ қилиш даврида тажриба тўплаб боради. Ўз маҳоратини халқаро спортчилар ўртасидаги семинарларда намоён этиб, бошқа мамлакатлардан келган спортчилар билан тажриба алмашади. Семинар якунида эса спортчилар аттестациядан ўтказилиб, уларга тегишли диплом ва белбоғлар топширилади. Ушбу спорт тури билан машқ қилиш учун ёш чегараланмайди. Чунки айкидо билан машқ қилувчи кўп энергия сарфламайди.

Шу туфайли Қорақалпоғистон Республикаси Айкидо Федерациясида энг кичик ёшдаги спортчи олти ёшда бўлгани ҳолда, энг катта ёшдаги спортчи Хвон Борис Павлович – етмиш етти ёшда. Аёл-қизларимизнинг энг кичик ёшдагиси етти ёшда бўлса, машқ қилувчи опаларимизнинг энг каттаси 57 ёшда.

Мазкур спортнинг аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиниб, ривожланишида мураббийлар Александр Ли, Адилбай Лепесбаев, Байрам Абдреймов, Атабек Абдуллаев, Сайд Матжанов, Темир-Малик Саъдуллаев, Манас Данияровларнинг хизматлари беқиёс. Уларнинг фидойилиги туфайли бугунги кунда қорақалпоғистонлик айкидочилар нафақат мамлакатимизда, балки бошқа давлатларда ҳам ўз маҳоратларини намойиш этиб, юқори натижа ва эътирофларга муносиб бўлиб келмоқда.

Кенесбай СЕЙДАНОВ
Нукус шаҳри

Митти ҳикоялар

ҚАЛБГА ҚОҚИЛГАН МИХ

Бир боланинг феъли жуда ёмон эди. Бир куни дадаси унга бир халта мих бериб, ҳар сафар бирор кимсани хафа қилганида, тахта деворга битта мих қоқишини тайинлади.

Биринчи куни бола деворга ўттиз еттита мих қоқди. Кейинги кунларда у ўз ғазабини босишни ўрганди ва мих қоқишлар сони камая бошлади. Ниҳоят, у кун бўйи ҳеч кимни хафа қилмаган кун келди. Яъни, деворга биттаям мих қоқилмади.

Энди дадаси унга ҳеч кимни хафа қилмаган ҳар бир куни учун девордан биттадан михни суғуриб олишни буюрди.

Маълум вақтдан кейин деворда биттаям мих қолмади.

Дадаси ўғлининг қўлидан ушлаб девор олдига олиб борди ва деди: «Ҳа ўғлим, ўзгардинг, лекин қара, деворда қанча тешик пайдо бўлди. Бу девор энди ҳеч қачон илгаригидек бўлмайди».

Хулоса:

Кимнидир хафа қилиб, кейин кечирим сўраш мумкин, лекин унинг қалбида из қолади. Ўзгалар қалбига мих қоқишдан сақланайлик!

ХОТИНИНИ ЧЎКТИРГАН ЭРКАК

Ўқитувчи дарсда болаларга уммонда чўкиб кетган кема ҳақида сўзлаб берди:

«Ўша кемада эр-хотин ҳам бор эди, ҳалокат пайтида улар қутқарув қайиғига етиб боришди, лекин унда фақат бир кишигагина жой бор эди. Эр кутилмаганда хотинини суриб юбориб, қайиққа чиқиб олди. Сувга ғарқ бўлаётган аёл фақат бир оғиз сўз айта олди».

Ўқитувчи бир оз тин олиб, болаларга савол берди: «Ким айтади, ўлими олдидан аёл эрига нима деган?»

Деярли барча ўқувчилар аёл «Наҳотки, буни кутмагандим!», «Сизни ёмон кўраман» деган, деб жавоб қайтаришди.

Ўқувчилардан бири жимгина ўтирарди. Ўқитувчи унга саволни такрорлади.

«Менимча, аёл боламга яхши қаранг, деган бўлса керак», деди ўқувчи.

Ўқитувчи ҳайрон бўлиб сўради:

– Бу ҳикояни олдин эшитганмисан?

– Йўқ, эшитмаганман, лекин онам ўлаётганида дадамга худди шундай деган.

Ўқитувчи кўзига келган ёшни артиб, «Жавобинг тўғри» деди.

Ҳикоянинг эса давоми бор эди.

Ҳалокатда жон сақлаб қолган эр тез орада уйига қайтади. Уйда уни қизи кутарди. У қизини меҳрибонлик билан парвариш қилди.

Орадан йиллар ўтди... Отаси вафотидан сўнг қиз унинг буюмларини йиғиштираётиб, ёндафтарча топиб олади. Унда шундай ёзувлар бор эди: «Ўша кемага чиқишдан олдин биз шифокор ҳузурида бўлгандик ва у хотинимнинг тез орада оғир касалликдан вафот этишини айтганди. Хотинимнинг умри жудаям оз қолганди. Мен океанда хотинимнинг ўрнига чўкиб кетишга, унинг учун жонимни беришга тайёр эдим, лекин хотиним тез орада ўладиган бўлса, кейин қизимга ким қарарди? Биргина йўл – хотинимни океанда қолдириш ва ўзим тирик қолиб, қизимга ғамхўрлик қилиш эди».

Бутун синф сукутда қолди.

«ТОЗАЛОВЧИ» МАЙМУН

Донишманд болакайни ҳайвонот боғига олиб борди.

– Анави маймунларни кўряпсанми, болам?

– Ҳа.

– Ҳов анави, ҳар битта маймуннинг олдига бориб, синчиклаб текшираётганини-чи?

– Кўряпман.

– У «изловчи» маймун. У бошқа маймунларни битлаб кетган, пода деб ўйлайди ва уларни «тозалаш»га ҳаракат қилади.

– Қолганлари-чи?

– Қолганлари оддий маймунлар. Айримларида бит бор, айримларида йўқ.

– «Изловчи»нинг битини ким теради?

– Ҳеч ким. Шунинг учун бу маймунлар ичида энг битлаб кетгани унинг ўзи.

Рус тилидан Дилшодбек АСҚАРОВ
таржимаси

Эълонлар

Самарқанд вилоятидаги «Гулобод» ижтимоий-иқтисодий коллежи томонидан 2005 йилда Хайдаров Умид Абдурашидович номига «Банк иши» йўналиши бўйича берилган №237615 рақамли диплом йўқолгани маълум қилинади.

* * *

Нурота саноат ва кончилик касб-ҳунар коллежи томонидан 2011 йилда Расулов Шерзод Ҳаёбой ўғли номига берилган №1633661 рақамли диплом ҳамда Навоий вилояти Ғозғон шаҳридаги 6-умумий ўрта-таълим мактаби томонидан 2008 йилда 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги №U3250487 рақамли шаҳодатнома йўқолгани маълум қилинади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари жамоаси «Ishonch» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Муҳаммадзайниддин Рихсиевга укаси

Фахриддин РИХСИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

2015 йил 29 март куни дунёдаги энг кекса аёл – қорақалпоғистонлик Тўти момо Юсупова 135 ёшда оламдан ўтди. Ўша пайтда дунё оммавий ахборот воситалари ушбу воқеани шов-шув қилиб ёритган бўлса-да, марҳум юртдошимизга негадир Гиннеснинг рекордлар китобидан жой тегмади. Энг кекса аёл сифатида эса франциялик Жанна Кальман 122 ёш билан ушбу китобда кўп умр кўрувчилар рўйхатини бошлаб беради. 135 ёшга кирган Тўти момо ҳақида эса ҳатто интернетда етарлича маълумот йўқ.

Ажиб дунё

135 ЁШЛИ ТЎТИ МОМО

У нима учун Гиннеснинг рекордлар китобига киритилмаган?

Тўти Юсупова 1880 йил 1 июлда таваллуд топган. Ҳаёти давомида 3 асрни кўрган. Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушларига гувоҳ бўлган. Коллективлаштириш ишларида иштирок этган. 17 ёшида турмушга чиққан. Эри 1940 йилда, битта қизи эса 1941 йилда вафот этган. Баъзи маълумотларда ўғли ҳам бўлгани қайд этилади. Тўти момо ҳаётининг охиригача чевараси Ҳасилбек Таджибоевнинг қарамоғида яшаган.

– Момомизнинг ўғли бўлган-бўлмагани тўғрисида аниқ маълумот йўқ, – дейди Ҳасилбек Таджибоев. – Гиннеснинг рекордлар китобига киритиш бўйича таклифлар бўлгани рост. Лекин момонинг ўзига ҳам, бизга ҳам бу таклифлар маъқул келмаган. Сабаби, ортиқча оворагарчилик онахонни чарчатиб қўйиши мумкин эди. 135 ёшга кирганида хориждан, ўзимизнинг юртдан кўп журналистлар келди. Шунинг ўзи момони анча уринтириб қўйган эди. Тўти момом еттинчи авлодини кўрган дунёдаги саноқли одамлардан биридир.

Айтишларича, Рекордлар китобига киритишга масъул мутасаддиларда момонинг ёшини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлишига қарамай, бунга шубҳа билан қарашган. Унинг ёшига илк бор партия фаоллари эътибор қаратган ва оммавий ахборот воситаларига маълум қилган. Кейинчалик у 100 ёшдан ўтган киши сифатида «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

Эътиборли жиҳати, ҳаётининг сўнгида уйига шифокорлар келиб, қон босимини ўлчаб кетганини айтмаса, Тўти момо умри давомида бирон маротаба даво истаб шифохонага бормаган.

Тўти Юсупова ҳақида Би-би-си телеканали ҳужжатли фильм тайёрлаган. «Қорақалпоқфильм» ҳам 2010 йилда «Уч асрнинг гувоҳи» номли ҳужжатли фильм яратган.

Есимхон ҚАНОАТОВ,
«ISHONCH»